

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

«Дехқонобод калий заводи» АЖ
Бошқарув раисининг биринчи
ўринбосари в.в.б.



 Т.Зарипов

«21» 06 2022 й.

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг II-босқич
қайта ишлаш мажмуасидаги Д2701 қуритиш барабанини таъмирлаш
юзасидан хизмат кўрсатувчи корхонани танлаш бўйича

Техник топширик

Дехқонобод – 2022 й.

МУНДАРИЖА:

1 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ	3
2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)	3
3 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)	3
4 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)	4
5 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ	4
6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	4
7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)	4
8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ	5
9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР	5
10 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР	5
11 БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ	5
12 БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ	5

1 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – буюртмачи)нинг 2-босқич қайта ишлаш мажмуасида фойдаланилаётган концентратни қуритиш барабанининг яроқсиз қисмини таъмирлаш.

2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)

Хизмат кўрсатувчи буюртмачига қуритиш барабанининг 11 метр қисмини таъмирлашда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

1. Барабанининг 15 метр изоляция қопламасини демонтаж қилиш – 170 м²
2. Барабани демонтажга тайёрлаш. Демонтаж қилинганда барабанининг алмашмайдиган консол қисмларини қўзғалмас ҳолатда махкамлаш.
3. Монтаж қилиш учун зарур бўлган 11 метр қисми (ички диаметри 3.2 м, қалинлиги 20мм) 09Г2С маркали пўлат материалдан аввалдан тайёрлаб, буюртмачи томонидан белгиланган муддатда иш жойига етказиб бериш.
4. Қуритиш барабанининг чизмада кўрсатилган яроқсиз 11 метр қисмини демонтаж қилиб олиш.
5. Барабанининг мантаж қилинаётган қисмига эски барабанининг бандаж ва венец элементларини ўрнатиш.
6. Мантаж қилинадиган қуритиш барабанининг 11 метр ички қисмига янги ўлчами 500x300мм, t=8мм бўлган -09Г2С маркали пўлатдан тайёрланган 476 дона насадкани тайёрлаш ва ўрнатиш.
7. Жойига ўрнатилган 11 метр барабанининг икки томондан пайвандланган қисмининг устига чокларининг мустаҳкамлигини ошириш учун ўлчами 20 см, қалинлиги 20 мм металл листдан ҳалқа тайёрлаб пайвандлаш.
8. Барабани бир чизиқда айланиши (балансировкасини) таъминлаш.
9. Тайёр бўлган қуритиш барабанининг 15 метр қисми 0.5 мм рухланган металл лист устига янгидан изоляция қопламани монтаж қилиш.
10. Буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи томонидан ўзаро келишувига кўра ишларни бажариш тартибига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

3 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)

Хизматни кўрсатувчи томонидан ушбу техник топшириқда кўрсатилган хизматларни бажаришга буюртмачи томонидан берилган техник шартда кўрсатилган D2701 концентратни қуритиш барабанини сифатли ва кафолатланган ҳолда таъмирлаб бериш талаб қилинади.

Барабан ва насадкалар учун пўлат листлар ва бошқа зарурий материаллар

хизмат кўрсатувчи томонидан таъминланади. Транспортировка билан боғлиқ масалалар ҳам хизмат кўрсатувчи томонидан амалга оширилади.

4 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)

Барабани ясаш ва барча тайёргарлик ишлари хизмат кўрсатувчи манзилида монтаж ишлари эса буюртмачи ташкилотнинг манзилида амалга оширилади.

5 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

Белгиланган монтаж ишлари ўзаро келишилган ва тасдиқланган график асосида буюртмачи томонидан жорий йилдаги белгиланган капитал таъмирлаш ишлари доирасида амалга оширилади, монтажга тайёргарлик ишлари капитал таъмирлаш ишлар бошлангунга қадар яқунланган бўлиши талаб этилади.

Кўрсатиладиган хизмат нархи танлов яқунларига кўра аниқлаштирилади. Хизмат учун тўловлар ишлар бажарилиб топшириш, қабул қилиш далолатномалари ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичида тўлаб берилади.

6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхона хавфли саноат объектларидаги технологик қурилмаларда таъмирлаш хизматини амалга ошириш бўйича ваколатли органлар томонидан берилган ружхатномаси, лицензияси бўлиши шарт.

Ушбу хизматни кўрсатувчи ташкилот ушбу техник топшириқнинг иловасида кўрсатилган қуриштиш барабанини таъмирлаш схематик чизмаси асосида ишларини буюртмачининг талабидан келиб чиққан ҳолда белгиланган муддатда бажариши, ва таъмирлаш ишларини бажариш учун юк кўтарувчи кран ва бошқа транспорт воситалари ва малакали мутахассислар ҳамда шахсий химоя воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

Монтаж ва демонтаж ишлари учун лесаларни пудратчи ташкилот ўз ҳисобидан таъминлайди.

7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)

Буюртчанинг эҳтиёжидан келиб чиқиб барабани буюртмачи манзилида таъмирлашнинг максимал муддати (монтаж ишлари) 10 кун.

Таъмирлаш хизматини кўрсатиш буюртмачи ва таъмирлаш хизмат

кўрсатувчи ташкилот ўртасида ўрнатилган тартибда шартнома имзолангандан кейин омалга оширилади.

8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Таъмирлаш хизматини кўрсатувчи томонидан таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг меъёрий хужжатлар расмийлаштирилгач, ишларининг бажарилганлиги тўғрисида далолатномани буюртмачига тақдим қилади ва хужжатлар имзолангандан сўнг ишлар тўлиқ бажарилган ҳисобланади ва тўлов учун ҳисоб-фактура ёзилади.

9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

Таъмирлаш хизматини кўрсатувчидан таъмирланган ускуна ишлатиб кўрилиб синовдан ўтказиб бериш талаб қилинади.

10 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

Монтаж ишларининг сифатли олиб борилиши учун буюртмачи томонидан назоратчи тайинланади ва назоратчи аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

11 БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Қисқартма	Қисқартманинг тўлиқ ёйилмаси
-	-	-

12 БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Илова номланиши	Варақлар сони
1	Барабаннинг чизмаси.	-

Ишлаб чиқди:

ТХТ ва РМ бўлими бошлиғи



А.Ашуров


Келишилди:

Бош механик





С.Худойназаров

КЎИЧЦ бошлиғи



Б.Рахматов





1. * Размер для справок
2. ** Уточнить и установить по месту
3. Конструкция сварная. Сварные швы выполнять по ГОСТ 5264-80
4. Материал fabrication: 09Г2С

Исполн.	Зав. цехом Т.	Дата	31.05.22
Провер.	Александр А.	№ докум.	
Лист	Журавлев С.	Лист	
Лист 3	Листов 3	<p style="text-align: center;">Ремонт</p> <p style="text-align: center;">оборудования сушильного</p>	
Лист 3	Листов 3		
<p style="text-align: center;">АО "ДКЗ"</p>		Место	Масштаб
<p style="text-align: center;">14300 кг</p>		1-1	
<p style="text-align: center;">D270100</p>			